

## «Бозор ва унга боғлиқ масалалар» китоби қайта нашр қилинди



12:53 / 19.10.2020 2212

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг қаламларига мансуб «**Бозор ва унга боғлиқ масалалар**» деб номланган китоблари.

### **БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ**

Бандаларига молиявий муомалаларни ҳалол йўллар билан амалга оширишни ва ҳаром йўллардан четланишни амр қилган Аллоҳ таолога битмас-туганмас ҳамду санолар бўлсин!

Умнатларига молиявий муомалаларни батафсил тушунтириб, уларни қандай амалга оширишни кўрсатиб берган маҳбуб Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафога мукамал ва батамом салавоатлар ва дурудлар

бўлсин!

Қадимги фуқаҳоларимиз ушбу «Бозор ва унга боғлиқ масалалар» деб атаётган китобимизда келадиган масалаларга оид бобни «Китобул байъи» – «Савдо китоби» деб аташган.

Ҳар бир инсон турмуш тақозоси ила ҳаётида доимий равишда молиявий муомалаларга дуч келади ва бу муомалаларда иштирок этади. Айти шу муомалалар одамларнинг кўп вақтини ва фаолиятини ўз ичига олади.

Молиявий муомалалар тартибга солинмаса, уларнинг қоидалари бўлмаса, кишилар орасида келишмовчиликлар кўпайиши аниқ. Шунинг учун ҳам Аллоҳ таоло бу ишни Ўз зиммасига олган ва умумий таълимотларни баён қилиб берган. Сўнгра Пайғамбаримиз алайҳиссалом орқали бу ишларнинг тафсилотини йўлга қўйган. Шу тариқа савдо сотиққа оид исломий ҳукмлар мусулмонлар ҳаётига татбиқ қилинган. Исломдан олдинги даврдаги бу борада шаклланган нотўғри ҳукмлар бирин-кетин бекор бўла бошлаган. Кейинчалик фуқаҳоларимиз ушбу мавзуда келган оят ва ҳадислардан чиқадиган ҳукмларни тартибга солиб, ижтиҳод даражасига етмаган мусулмонлар учун уларга ёрдам тариқасида осонлаштириб, тушунтириб беришган.

Ҳозирги кунимизда одамлар орасида молиявий муомалаларда турли келишмовчиликлар, уруш-жанжаллар ва маҳкамабозликлар чиқаётгани ҳеч кимга сир эмас. Бу каби нохуш ҳолатларни камайтириш учун нима қилиш лозим? Бизнингча, шариатимизда кўрсатилган таълимотларни яхшилаб ўрганиб, уларга амал қилиш зарур.

**Муаллиф:** Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф

**Номи:** «Бозор ва унга боғлиқ масалалар»

**Нашриёт:** «Nilol» нашриёт-матбааси

**Сана:** 2019 йил (2016, 2018)

**Ҳажми:** 104 бет

**ISBN:** 978-9943-5477-7-3

**Ўлчами:** 84×108 1/32

**Муқова:** юмшоқ

***Ушбу китобнинг электрон наشري ҳам бор. Уни ўқиш учун сизга «Nilol eBook» дастури керак бўлади:***

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2019 йил 19 апрелидаги 2130-сонли тавсияси ила чоп этилган.

## **Китобда қуйидаги масалаларга оид маълумотлар ўрин олган:**

Ҳалол ризқ топиш фарздир  
Ҳаромга қўл уриш мумкин эмас  
Тижорат ва унинг одоблари  
Савдога оид илмни ўрганиш зарур  
Савдода ёлғон гапириш ҳаром  
Ёлғон қасам ичиш энг катта гуноҳлардан  
Савдода ростгўйлик – икки дунё шарафи  
Савдода алдамчилик ҳаромдир  
Ўлчовдан уриб қолиш ҳаромдир  
Эҳтикор (монополия) ҳаромдир  
Рибо ҳаромдир  
Савдо молининг олдини тўсиб чиқиш ҳаромдир  
Ўзганинг савдоси устига савдо қилиш ҳаромдир  
Ҳаром нарсаларнинг савдоси ҳаромдир  
Яхши ният ва Аллоҳнинг зикри  
Саҳархезлик – фазилат  
Савдогар маданиятли бўлиши керак  
Савдогар бағрикенг инсондир  
Нархни кўп оширмаслик  
Шубҳали нарсалардан йироқда бўлиш  
Хайр-эҳсон қилиб туриш  
Закотни вақтида адо этиш  
Ҳамкасблар билан яхши алоқада бўлиш  
Золим харидорга ёрдам бермаслик  
Харидор билан гўзал муомалада бўлиш  
Қалбаки пулларни ишлатмаслик  
Айниб қолган харидорга ёрдам бериш  
Тармоқли савдо  
Таварруқ савдоси  
Таварруқ савдосининг ҳукми  
Тақсит савдоси  
Шартнома  
Битимнинг асоси  
Келишув шартлари  
Ширкатлар ҳақида  
Музораба ширкати  
Пул бирликларини бир-бирига сотиш ҳақида  
Ислом Фиқҳи Академиясининг фатвоси

Қийматни олдин бериш савдоси  
Саламнинг шартлари  
Қўшимча маълумотлар

Ушбу китобни қуйидаги манзиллардан харид қилишингиз мумкин:

**1. МЧЖ «Nilol-nashr» нашриёт-матбааси бош савдо дўкони**

Телефон: (+99871) 216 29 27

Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Сўгалли ота, 5-уй

**2. Чорсу филиал**

Манзил: Тошкент ш., Олмазор тум., Сағбон(Фаробий) кўчаси, 7-уй

Телефон: (+99891) 134 82 88

**3. Кўкча филиал**

Манзил: Тошкент ш., Шайхонтоҳур тум., Маннон уйғур кўчаси, 362-уй

Телефон: (+99897) 755 23 70

**4. Наманган филиал**

Манзил: Наманган ш., А.Навоий кўчаси, 69-уй

Телефон: (+99869) 227 95 91

**5. Анжижон филиал**

Манзил: Андижон ш, Ўзбекистон кўчаси, 5-уй

Телефон: (+998 97) 706 29 27

**6. Фарғона(Марғилон) филиал**

Манзил: Фарғона вилояти, Марғилон шаҳри, Хонақо кўчаси, 3-уй (Мўлжал:  
Хонақо масжиди)

Телефон: (+99897) 756 29 27

**7. Самарқанд филиал**

Манзил: Самарқанд ш., Шоҳи Зинда кўчаси, 268-уй

Телефон: (+99891) 522 44 99

**8. Сурхондарё филиал**

Манзил: Денов ш., Мустақиллик кўчаси, 69-уй

Телефон: (+99893) 503 56 94

**9. Хоразм филиал**

Манзил: Урганч шаҳри, Амир Темур истирохат боғи худуди

Телефон: (+99893) 747 77 74, (+99897) 513 99 09

[www.kitoblardunyosi.uz](http://www.kitoblardunyosi.uz) вебсаҳифаси орқали онлайн харид қилишингиз мумкин.